

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов «Хоразм Маъмур академиясини қайта ташкил этиш туғрисида»ги Фармонга имзо чекди. ***
Утган ҳафта Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтоннинг рафиқаси Хиллари Клинтон хоним мамлакатимизда бўлди. Ташриф чоғида у 2-ТошМИда, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида бўлди, Аёллар сало-

матлиги марказининг очи-лишида ишти-рок этди. Шунингдек, Хиллари хоним куҳна Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига ҳам ташриф буюрди. ***
Бугун — 19 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи уз ниҳоясига етди. ***

Ҳафтанинг юлдузли онлари

Тошкентдаги Халқлар дуст-лиги саройида Украина мадания-ти кўнларининг очилиш маро-симси бўлиб ўтди. ***
Президент Ислоҳ Каримов-нинг «Ўзбекистон XXI аср буса-гасида: хавфсизликка таҳлил, бар-қарорлик шартлари ва тарақ-қият кафолатлари» китоби турк тилида чоп этилди. ***

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Еқубов ва Нёъмат Аминовлар Америка Қўшма Штатларининг Фан, техника ва санъат ака-демияси аъзоси—академиги этиб сайландилар. ***
Пойтахтимизда хорижий сар-моёлар агентлиги, «Соғлом ав-лод учун» Халқаро хайрия жам-ғармаси ва Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси

ҳамкорлигида «Mathercare» (Она гамхўрлиги) фирмасига қаршли дукон очилди. У ерда фақат оналар ва болалар учун муҳалланган товарлар билан савдо қилинади. ***
Куни кеча республикаимиз-нинг турли жойларида давлат рамзларидан бири—байроғи-миз тасдиқланган кун муноса-бати билан талбирлар бўлиб ўтди.



Ҳазорчрезги

Абду Раши ЖУМА олган сурат

Баркамол келажак авлодни шакл-лантириш борасида мамлакатимизда кейинги вақтларда қатор ибратли иш-лар амалга ошириляпти. Республика Олий Мажлисининг охириги сессиясида «Таълим туғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Республика Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш туғрисида»ги Фармони ҳам ана шу эзгу мақсадга йуналтирилган.
Баркамол авлодни шакллантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда республика Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят ва туманлар кўмиталари томонидан ҳам талай ишлар амалга ошириляпти. Жум-

КҮН ТАРТИБИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

ладан, вилоятларда «Ҳуқуқшунос аёл» уюшмалари тузилган, жойларда ҳуқуқий мавзудаги суҳбатлар ва кечалар утказиш-га эътибор қаратиляпти. Лекин бу борадаги ишларни ҳали кунгилдагидек деб бўлмайти. Республика хотин-қизлар кўмитасига келаятган ариза ва шикоятларни урганиб чиқиш шундай хулосага келишга асос бўлади. Сабаби ариза ва шикоятларда кутарилган қўшлаб муаммоларни жойларнинг узида осонгина ҳал қилиш мумкин. Фақат аризачи аёллар жойларда айнан кимларга мурожаат қилишса мушқуллари осон бўлишини билишмайди, еки маҳаллий раҳбарлар уларнинг арзларини тинглашга вақт топи-

шолмайди.
Республика хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги 3-Пленумида шулар ҳақида суз борди. Шунингдек, Пленумда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури туғрисида»ги қарори Тошкент ва Хоразм вилоятлари хотин-қизлар кўмиталари томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ҳисобот ҳам тингланди. Ижобий ютуқлар қайд этилгани ҳолда, бу соҳада мавжуд муаммолар, эътибордан четда қолаётган жиҳатлар ҳам қайд этиб ўтилди. Жумладан, бу вилоятларда балоғат

Ахборот

ёшига етиб қолган қизларни тиббий куриқдан утказиш, бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги, ногирон ҳамда ҳомилдор аёлларга курсатилмаётган тиббий ва маънавий ёрдамни янада яхшилаш борасида ҳали анча ишлар қилиниши лозимлиги айтиб ўтилди.
Пленумда қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.
Пленумни республика Бош вазири уринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғуломова бошқарди.
Ўз мухбиримиз

17 ноябрда республикада Украина маданияти кунлари тантанали равишда очилди. Маданият кунлари доирасида ёзувчи ва шоирлар, театр ва кино усталари, умуман, маданият, санъат намояндлари билан учрашувлар, ижодий мулоқотлар ўтказилди. Шу муносабат билан газетхоўларимизга Украинанинг бугунги иқтисодий-сиёсий аҳоли, Ўзбекистон — Украина муносабатлари ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.

Украина Европанинг марказий қисмида жойлашган ва майдони жиҳатидан қитъада Россиядан кейин иккинчи уринда туради — 603,7 минг кв.км. 1995 йил 1 январдаги маълумотга қараганда, мамлакат аҳолиси 51,7 миллион киши. Украинада 128 миллат ва элэт вакиллари истикомат қилинади. Собиқ СССР ҳудудидagi мустақил давлатларда яшовчи украинлар сони 6,8 миллион нафарни ташкил этади, жумладан Ўзбекистонда 0,15 миллион киши. Уз навбатида Украинада 20 мингга яқин ўзбеклар яшайди.

1991 йил 24 августда Украина уз мустақиллигини эълон қилган. Давлат раҳба-

МАРҲАБО, УКРАИНА!

ри — президент Леонид Кучма. У 1994 йилги куп партияли сайловларда ғолиб чиққан.

Украина хом-ашё ресурсларига, ер ости бойликларига эга булган мамлакат. Бу ерда тошқумир, темир, уран, рух рудалари, нефт, газ, олтингугурт қазиб олинади. Мамлакат иқтисоди саноят ва қишлоқ хужалигига асосланган. Саноятнинг асосини қора металлургия (яъни саноят ишлаб чиқаришининг 21,8 фоизи), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (19,5 фоиз), ёқилги ишлаб чиқариш (14,3 фоиз) ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш (15,1 фоиз) ташкил этади. Қишлоқ хужалигида эса асосий урини қанд давлага, кунтабоқар, қаноп ва бошоқди экинлар етиштирини ҳамда уларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолига келтириш, шунингдек, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик асосий урин эгаллайди.

Ўзбекистон ва Украина уртасидаги

дипломатик муносабатларга 1992 йилда асос солинди, дейиш мумкин. Уша йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Украинада булди. Ташриф чоғида Ўзбекистон ва Украина уртасида дустлик ва ҳамкорлик тугрисидаги шартнома имзоланди ҳамда 25 августда мамлакатларимиз уртасида дипломатик муносабатлар урнатилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Украина уртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам жадал ривожланмоқда. Жумладан, 1996 йилда республикаимизга Украинадан 166155,9 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот келтирилган булса, у еққа 35854,4 минг долларлик маҳсулот ва хом-ашё экспорт қилинди. Украинадан юртимизга асосан шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари, мис ва ушдан тайёрланган маҳсулотлар, қора металллар, механика асбоб-ускуналари келтирилса, Украинага пахта толеси,

газломлар, тамаки маҳсулотлари, минерал унитлар, нефт маҳсулотлари ва бошқалар етказиб берилмоқда. Ушбу йилнинг туққиз ойида мамлакатларимиз уртасидаги савдо ҳажми жами 257950,6 минг АҚШ долларини ташкил этди. Бу утган йилги яъни курсаткичлардан анча қушди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, украинлик сармоядорлар иштиракида 20та корхона ташкил этилган. Шундан 16таси қушма корхона булса, 4 таси 100 фоиз Украина томони сармоясига асосида тузилган.

Юқоридагилардан куришиб турибдики, мамлакатларимиз уртасидаги савдо-иқтисодий ва сиёсий алоқалар йил сайин ривожланиб бораётган. Ишонимизки, Украина маданияти кунлари икки дуст халқлар уртасидаги маданият, адабиёт ва санъат соҳасида муносабатларни ҳам анада юқори босқичга кутаришга хизмат қилади.

ЧАНГҚЎТОННИНГ КАРТОШКАЛАРИ

Қаранг-а!

Картошканинг зури ва асили фақат Голландия билан Россияда булади, деб қисталган қилалиган биров-яримни курсангиз, шивирлаб эмас, балки баралла айтингки: «Биродар, картошканинг энг зури Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани ҳудудидagi Керагагог этакларида булади!». Бу жавобингизда заррача булса-да, бурттирма, лоф йўқлигига мен қафил.

Шу йилнинг май охири, июн ойи бошларида Катта Вахшивор қишлоғи одамлари тоққа томон урладилар. Буш, очик ерларга, хусусан, эски қўтонларга картошка экдилар. Унгга тўйиниб, купчиб етган ерларда қишлоқ одамлари тили билан айтганда, картошка тоза уйилди. Дехқонлар сентябр ойида қазилган тушдилар. Ҳар картошкалар етишибдики, ақл шошади. Аксарият иккови бир кило, учови икки кило, баъзан эса биттаси бир кило, бир ярим кило тош босаверди. Айниқса, Турди Носиров деган йигитнинг Чангқўтонда эккан баҳайбат картошкаларидан бири 2 килою 200 гр тош босди. Турдидой шу баҳайбат картошкани реклама учун биров-ярим сураб қолар, деган уй билан сақлаб қуйибди. У салгина ерга яхши ният билан уч юз килога яқин картошка уруги қалаган, лекин ҳосилни бу қадар сероб булади деб асло уйламаганди, яъни уша салгина ердан беш тоннадан ошиқроқ картошка ҳосили олди.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
Сурхондарё

МАЪНАВИЙ МАДАД ИСТАГИ

Обуна — 98

Газета ва журналлар билан савдо қилувчи дўкондан «Оила ва жамият» газетасини олай деб борсам, менга ўхшаш муштарийлар ҳам шу газетани сўраб турганларини эшитдим.

— «Оила ва жамият» тугади-ку, — дейди газета сотувчи.

«Эсизгина, Шукр Холмирзаев ёзганларининг давомини ўқий олмас эканман-да», деб туриб, айтгандек, қўшним Раимжон ёзилган-ку, шун-



дан олиб ўқирман», деб қайтдим. Қўшним газетани менга узата туриб ажойиб бир фикрни ўртага ташлади.

— Бир йўлақда ёнма-ён турсак, иккимиз ҳам «Оила ва жамият» шинавандасимиз, иккита газета олиб ўтирмай, иккимиз ўртада пул қўшиб ёзилмас қандай бўларкан?

— Э, отангизга раҳмат, қолаверса, бу газета бундан кейин дўконларда сотилмай, фақат обуначиларга чиқазиларкан!

— Йўге, унда тезроқ обуна бўлайлик! Азизлар, «Оила ва жамият» газетаси диёримизда биронта ҳам оливай ажралишлар бўлмаслигини ўз олдиға мақсад қилиб қўйган ва одамларнинг маънавий баркамол бўлиши учун жонфидолик қилаётир. Келинг, биз ҳам уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайлик!

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,
меҳнат фаҳрийси,
Тошкент, Марказ-14

Бир қанча давлатларда жамоат жойларида чекиш аллақачон тақиқланган. Бу муаммо, айниқса, Японияда ҳар тарафлама ҳал этилган, дейиш мумкин. Шунга қараганда, мамлакатдаги айрим жамоатларнинг тажрибаларидан ибрат олса арзийди. Хусусан, Саппоро шаҳридаги «Цукэн» қурилиш компанияси раҳбарияти ажойиб бир тажрибани амалда қўллади: компаниядаги 720 хизматчилдан ким булмасин чекмасликка рози булса, ҳар ой маошига қушимча тарзида 10 минг иен, яъни 100 доллар ҳақ бериладиган булди.

Бадбўй хидларга олам босилгани эмас, ҳатто жониворлар ҳам чидай олмас экан. Айниқса, ароқ ичгандан кейин кишидан тарқаладиган ҳидга. Нижегородск шаҳрида яшовчи йигит қасалхонага мурожаат қилганда шифокорлар ҳайратдан еқа ушлаб қолишди... беморнинг бурни йўқ эди. Маълум булишича, еш йигит кучадан топиб олган зотдор боксер-итни уйда боқиб юрган. Бир қафтача ит у билан «дустона» муомала қилиб яшаган. Би-

роқ навбатдаги зиёфатдан «тўйиб-буқиб» қайтган йигит итга еқмаган, ухлаб етганида ит унга ташланиб, сассиқ ҳид аниқётган бурнини узиб олган.

Шифокорларнинг тез ердами билан йигитнинг хид олиш аъзоси уз вазиёсини бажара оладиган даражада тикланди, деб хабар берди «Труд» газетаси.

Чуқиб кетган кема ичида қолган бойликлар қайси давлатга тегишли булади: кема қарашли булган давлатгами е... Халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланганига қараганда, бундай бойлик кема қайси давлат сувига чуққан булса ушаники.

1755 йили Хиндистонга йўл олган «Доддингтон» номи Британия кемаси туфон оқибатида жанубий Африканинг сув ҳудудида чуқиб кетди ва 247 йўловчи ҳалок булади. Кема ичидаги бир ярим минг тилла танга ҳам сув қарийда қолади. 1977 йили жанубий африкалик говвоелар сув остига шунгиб, тангандан ном-нишон топишмади. Бирок яқинда Лондондаги «Спинкс» компанияси компанияси ана шу тангаларни сотишга қўйганда ЖАР ҳукумати норозилик билдирди. «Спинкс» компанияси



си эса тилла тангаларни сотувга қўйган кишининг номини сир сақламоқда.

Порт-Элизабет тарихий шаҳар музейининг ходими археолог Женни Беннингнинг эса бу масалада фикри бошқача: тилла тангаларни кимоща савдога қўйган кимса бориб турган алдамчи. Чунки бу «савдогар» XVIII аср урталарида зарб этилган тангаларнинг нархини кутариш учун уларни бир пайтлар чуқиб кетган «Доддингтон» кемасидан топишган тангалар, деб эълон қилган. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин, деб шунга айтишса керакда.

Югославияда уз вақтида маошини ололмайд жабр чекаётганлар фақат меҳнатқуш хизматчилар эмас. Яқинда бу мамлакатнинг давлат раҳбари ҳам ойлигини вақтида ололмагани учун азият экди. Белградда чиқадиган «Блин» газетасининг езишича, Югославия президен-

ти Слабодан Милошевич июл ойидан бери, яъни бу мансабга сайлангандан бери фақат бир ярим ойлик маошини олган, холос. Яқинда Критга булган Болқон мамлакатлари анжуманига жунуб кетиши арафасида президент август ойи учун маош олишга муваффақ булди. С. Милошевичнинг ойлик маоши, қушимчаларсиз, 635 АҚШ доллари миқдорида.

Бирок Югославия президентига зарур булганда болаларидан ердан сураш имконияти бор. Угли Марко Пожаревац шаҳридаги Болқонда энг катта дискотеканинг хужайини. Киши Мария эса журналист, ешлар уртасида машҳур Белграддаги «Кошава» радиостанциясида яхшигина даромад қилади.

Ноябр ойида янги сайланган 46 ешли Мэри Маклис Ирландия президенти сифатида иш бошлади. У Шимолий Ирландияда туғилган. Президентликка расман тайинланиши чоғида Мэри хоним «президент ҳаммага «очик ва бемалол» булиши керак», деди. Янги раҳбарнинг таржимаи ҳоли бу аёлнинг гаройиб қобилиятидан далолат беради: у мактабда аъло баҳоларда ўқиган, юрист, педагог, жур-

налист, фаол жамоатчи ва шижоат, давлат арбоби. М. Маклис яқиндан билалдиғанларнинг айтишича, у кул урган ишини охирига етказадиган, ҳар бир ишни ишгик билан бажарадиган, қизгин баҳсга киришиб, теран фикрлайдиган аёл.

Уэльс қироличаси Диананинг улимидан сунг дианашунослар кунайиб кетди. Диананинг мисрлик хуштори Имад (Доли)ал-Файед билан бирга ҳалок булгани ҳар хил талқин қилинмоқда. Айрим манбаларда Диана мисрлик ал-Файедга турмушга чиқини аниқ булгани учун бу ҳалокат атай уоштирилган, дейилса, Қоҳира шаҳри китоб дуконларида яқинда пайдо булган Диана ҳақидаги бир йўла уч китобда муаллифлар шундай мулоҳазани илгари суришган: Британиянинг булажак қиролининг онаси, яъни Диана исломни қабул қилди ва бунга киришаётгани ҳам, чунки Доли мусулмон эди...

Дианашуносларнинг «талқикот»лари ҳали куп давом этадиган куринади.

Ҳамкасбим кутариб келган газеталарни куриб туриб, қузим тасодифан бир суратга тушиб қолди. Уз кузларимга ишонмасдан диққат билан қайта-қайта тиккидим: «Онамнинг бундай суратлари йўқ эди-ку,» — дея ҳайратландим. Онамнинг ҳеч унутолмайдиган азиз сиймоси куз олдидан кетмай қолди. Уша газетани узим билан олиб юрар, соатлаб тиклардим. Ҳали битмаган дардларим қайтадан қалбимни эза бошлади.

Суратдаги аёлни излай бошладим. Излардим, қизик, топсам нима дейман ахир, деб уйлардим. Уям хайрон бўлмайдим? Билмадим. Аммо уша сурат билан қалбимга бир нур энганди. Охири, бир қанча муддат мунгли дунёмга шувёла сочган туйғу билан хайрлашгандек, одатдаги турмуш таъшишлари билан уралашиб қолгандек бўлдим. Лекин, барибир, бир куни уша аёл билан куришиб қолишим мумкинлигига ишонардим. Ва... Шерларни мен учун сеvimли булган шoirнинг сатрларидагидек

Мен яшаб чарчадим, кутиб чарчадим,
— дея нола қилаётган кунглимга раҳим келди. Охири сал булса-да, узимни овутиш учун тоғлар бағридаги сокнинггина қишлоғимга кетдим. Тугилиб угсан гушамда бетакрор бир соғинчи нари ҳайламоқчи бўлиб беҳуда уринибман шекилли... Кекса дарахтлар отамни, онамни, шу ерда кечган қайтмас болагимнинг зумрад тоғларини беҳтиёр едга тушираверар, куз ёшларимни маржондай оқизарди. Ана кекса қатронги дарахти, мактабдан кела туриб, унинг тарвақайлаган шохларига чиқиб олиб соатлаб уйнар эдим.

Онам чой қайнатиш учун кунда булоқдан сув олишга юборарди. Бир марта сувим билан тупроққа йиқилгандим. Сув билан лой бетимга, кийимларимга сачраб бир аҳволга тушгандим. Кейин нимагадир буш челақларимни ташлаб, уйимизгача ййглаб боргандим. Ойим бўлса кула-кула бағрига босганди. Кукламнинг илк ялизилари шу булоқнинг атрофидан кукариб чиқарди. Ана бодомзор, у ерда ярим тунгача беркинмачоқ уйнардик. Тун, айниқса, ойдин булганда мазза эди, уйинга берилиб кетганимиздан овқатланишниям унутардик. Қояларга яқин жойда Ойбоши деган майдонча бор эди. У ерда ярим қояда осилиб турган каттақон оппоқ тошпни яқини курардим. Мендан бошқалар тошга яқин бормаслиқни маъқул куришарди. Чунки тошнинг остидаги тубсиз жарлик кишининг юрагига ваҳима соларди. Оқшомлар уша қоядаги тошдан тулин ой чиқисини томоша қилардик. Тоғларнинг уртасидан оқиста бош кутараётган ой кишини шундай сеҳрлардики... Баъзан кетаётиб, шартта йўлнинг уртасида тухтайману, ор-

тимга қарайман. Онамнинг элас-элас куринаётган қомати, худди хайрлашгандек қўлларини силки-силкиий гойиб булади. Тавба, дейман. Бу не синоат узи? Эҳтимол, онамни қумсаб кундан-кунга жудоликдан адо булаётганимга, гулдак сулаётганимга раҳми келган Оллоҳнинг иноятимини? Энди онамни сира кўрмаслигини, дийдорлашувимизнинг қиематта қолганини яқини биламану, аммо қайсар ишонч, мунгли умил... Сира менга буйсунмасди-да...

Одатдагидай қишлоқнинг четигада дам олиш масканларидан бирининг енидаги арчазорга бордим. Бу ер менга жудаям ёқарди. Арчаларнинг хушбўй ҳиди ҳаммаёқни хушбўйига тўлдириб юборганди. Даладан бир кучоқ бутакузгулларидан териб олгандим. Сал

бошлайверганини...

Мен излаган, топишдан умид узилганда, қалбимдаги илинждан қочиб қишлоғимга келишга мажбур этган туйғунинг сабабчиси булган аёлнинг худди узи эди. Орамиздаги масофа юз метрлар чамаси.

Вужудимда пайдо булган туйғудан титраб, урнимдан сакраб турдим. Кучоғимдаги гулларни бағримга босганимча чошдим. Машина гуриллаб ўт олди. Етай деб қолганимда у кўзгалди. Онамга ухшаган аёлни топгандим, унга етай деганимда, машина борган сайин юксалаётган тоғ йулидан яна узоқларга олиб кетди...

Йулда қанча қолиб кетганим эсимда йўқ. Кимдир келиб менинг тирсагимдан ушлаганини, тургимзоқчи булаётганини сездим. Қарасам, атрофимда бутакуз гуллари сочилган, чанг йўлнинг уртасида тиз чуқиб утирибман. Онамни қабристонга олиб кетишгаётганда ҳам шу тахлит утириб қолгандим. Аммо онамни сунти бор кузатаётганимни, минг изласамда, бошқа кўрмаслигимни билардим.

Бу аёлни қайта кўрмаслигим, иссиқ, меҳрибон бағрига бош қўймай, қуешидек нурули юзларидан бир упмай ажралишим мумкин эмасди... Уям мени излашини, кутишини, углидан машинани тухтатишини сураб, келиб мени бағрига босишини, юзларимдан улиб-улиб хайрлашишини шундай истардим-ки! Лекин аёл орғига қарагани йўқ, қарамади. У кетди.

Ортида дардли қалб қон ййглаб қолаётганлигини билмасди. Кетган йулидан боя қулида тутгани бир даста гиеҳни, кийик ути экан, топиб олдим. Ҳалигина дуога қўл очган чоғи бир зумга қўйгану, унутган. Олиб юзларимга сурдим, упдим.

Кунглимда надоматлар билан, бирданига хувиллаб қолгандек туюлган кучалардан аста уйга қайтарканман, лаҳза сайин олисларга кетаётган аёлга, Онага Оллоҳдан узоқ-узоқ умр, узимга эса сабру-тузим тилдим. Қайда булманг, Сиз билан бахтларга тулган фарзандларингиз даврасини бевақт тарк этмангда, илоҳим! Фарзандларингизнинг бахтино мағрурлиги сиз билан, сизсиз улар гулдек ёғилиб қоладилар...

Уксик диймига таскинлар бераман. Дунёда волидамдек азиз, меҳрибон аёл бор. Қачон булмасин у билан учрашувимизга ишонаман. Шунда туйиб-туйиб дийдорлашамиз, соғинганларимни, излаганларимни айтаман. Қайдасиз онажон, тушларингизда ортингиздан ййглаётган қизни кўрмайсизми?!

Басира САЙИД АЛИ

ОНАМГА

Ў
Х
Ш
А
Г
А
Н



нарироқдаги каттақон харсанг тошга утириб олиб, улардан гулчамбар туқий бошладим. Гулчамбарим битгани сайин қалбимга севинч тулиб борарди. Шунда қандайдир куч мени сихаттоҳ томонга қарашга унади. Сихаттоҳ ларвозиси олдидаги машинанинг юкхонасига қўлидаги сумкани жойлаштираётган ййғитга кузим тушди. Ичкаридан эса иккита аёл чиқиб келаверди. Биттаси бир тутам гиеҳ ушлаб олганди, иккинчиси қўлига асо ушлаган. Уларни кузата бошладим.

Гиеҳ ушлаган аёл таниш қўрина бошлади. Улар йул олдида омонатгина утиришиб, фотиҳа қилишди. Ййғит эшикни очиб, машинага утиришларига ерламлигиди. Ҳалиги аёл эса утиришдан олдин, атрофга қараб чиқди. Бирдан унинг нигоҳлари мен томонга тушди. Меники ҳам... Юрагимда чақин чиққандек салғиб урнимдан туриб кетдим. Битаезган иккинчи гулчамбарим қўлларимдан тушди. Бу уша аёл эди!.. Энди билдим нега сахарданоқ оёқларим мени шу томонга

А
Ё
П

ЁРУҒИ БОР, ИССИҒИ ЙЎҚ

Бизнинг «Дустлик» жамоа хужалигимизга бундан беш йил бурун табиий газ келганида «Бу ҳам мутақаллимизнинг шарофати-да», — дея роса қувонган эдик. Қувонмай бўладими, ахир кумир, утин ва тезак таъшишдан халос булгандик-да. Лекин сал шопшан эканмиз, шекилли. Мана уч йилдирки, жамоа хужалигидоги Мангузор қишлоғида октябр ойидан май ойигача, яъни айни қиш мавсумида газ деярли ёнмайди. Болаларнинг «еруғи бор, иссиғи йўқ», деган топишмоғига уқшаб, уйларимизни иситиш у еқда турсин, номигагина миллийлаб ёниб, ҳатто қора кумгонни қайнатишгаям ярамиди. Оқибатда, қиш ойлари еш болалар, кексалар ва беморлар жуда қийнақланишганди.

Биз туман газ бошқармасига муурожаат қилган эдик, у ердан «Дустлик» жамоа хужалиги худудидан утган қувурлар ерга қўйилгани сабабли чириб, юқори босимга чидамайидан бўлиб қолган, шу сабабли бу қишда ҳам газ булмайди», деган жавоб эшитдик.

Яқинда туманимиз ҳоқими телевизорда чиқиб, туман хужалиқларида газлаштиришнинг бориши ҳақида гурурланиб гапирдилар. Бироқ у киши газлашган жойларда аҳвол қандайлиги ҳақида лом-мим демадилар. Еки маҳаллий масъул раҳбарлар қувурларнинг газ утказиш қуввати, қандай босимга чидаши ҳақида бош қотириб утирмай, фақат юқорига «Президентимизнинг аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ҳақидаги Фармонларини бажара бориб, шунча қишлоқни, фалонча хонадонни газлаштирдик», деб ҳисобот бериб,

Мададталаб мактуб

кукрақларини кериб юрибдиларми? Ундан кура бу маҳаллий туралар «Инсон манфаатлари йили»да бизларнинг ҳам дардимизга қулоқ тутишса, мушқуллимизни осон қилиш чораларини куришса, элу-юртнинг, муҳтарам Сарбонимизнинг олдида юзлари янада ерут булмайдами?

**Чори БЕРДИЕВ,
Норқоиб ЖҲРАЕВ,
Нилуфар БАХРОМОВА,
Сурхондарё вилояти, Термиз тумани,
«Дустлик» жамоа хўжалиги**

ДОРИЛАР ШИФО... ДОРИЛАР ЖАҒО

Танганинг икки томони булгани каби, дори-дармонлар нафақат даво булади, балки акс таъсир этиши ҳам мумкин. Юнонча «фармакон» сузининг ҳам пифобахш дори, ҳам заҳар маъносини бериши ҳам шундан. Шифохоналарга тўшаётган беморларнинг 3—5 фоизини дарлига даво истаб ичган хапдорисидан жиғо куртанлар ташкил этади. Шунинг оқибатида ҳар йили АҚШда 200 минг киши ҳаёт билан видолашади.

Дорихоналарда сотилаётган барча дориларнинг озми-кўпми зарарли хусусият-

«Соғлом авлод учун»

лари мавжуд. Лекин реклама бу ҳақда лом-мим демайди. Ростда, масалан аширининг зарарли жиҳатларини айтиб, беморларни қурқитиш шартми? Ваҳоланки, ошқозонда, ун икки бармоқли ичагида яраси борлар ичса, ички қон кетиш ҳолати юз бериб, ҳатто бемор оёқ узатиб қолиши ҳам мумкин. Айрим юкумли касалликларда болаларга иссиқ туширувчи восита сифатида аспириин ичирилади. Лекин у баъзан иссиқни тушириш урнига Рей синдроми номили оғир ҳолатни юзага келтириши ҳеч гап эмас.

Биз мисол тариқасида энг кўп харид қилинадиган ва ичиладиган аспириин ҳақида гапириб утдик холос. Бошқа хапдорилар ҳам шундай. Яна бир гап: аксар ҳолларда дорининг акс таъсири унинг қанча ичилишига боғлиқ булмайди. Ҳатто бир дона хапдори ҳам оғир реакция бериши мумкин.

Жағар, буйрак касалликлари билан отрган беморларга баъзан атропин хапдорисини буюришади. Лекин табиий оламда глаукома деб аталадиган касалликка ҳам чалинган бемор жигар еки бўйрагига даво истаб атропин ичиши мумкин эмас. Йўқса, у кур бўлиб қолиши тайин.

Ҳўш, унда нима қилиш керак? Аввало, врачнинг, қолаверса, дорининг қутиеси еки илова қозғизидоги курсатмаларга қатъий амал қилинг. Бундан ташқари, арзимаган бош оғриғию иситма учун ҳам хапдори ютавершиш шарт эмас.

ҚАЙТАР ДУНЁ

Қатра

Ичкаридан тинмай ййғи овози эшитиларди. Аёлларнинг тош юракларини-да ларзага солувчи фарёдлари еруккини титратар, уларга қушилиб, бутун олам мотам тутарди, гўе. Жанозага ййғилган маҳалладошларнинг ҳам бошлари эгик, боқилари маънос. Ичкаридан ҳар сафар юракни уртовчи фарёд эшитилганда, бош кутариб бир-бирларига қарашар ва таассуф билан:

— Бағри кенг, ажойиб инсон эди. Афсус, умри қисқа экан, еш кетди. — деб қўйишарди. Гулдан хиелгина нарида турган, енидаги шеригига тинмай нималарнидир гапирётган урта ешли киши оғилхонада бир-биринга салчиганча топируттир қилаётган эшакларни кўрашиб баралла кулиб юборди. Барчанинг нигоҳи унга қадалди. Қадалган нигоҳларда ҳайрат... ва газаб! Қулаётган киши дарҳол қафти билан оғзинга елди, лекин гавдасининг силкинишидан ҳалиям қулаётгани сезилиб турарди.

Орадан ййиллар утди... Қазоси етиб, уша одам ҳам оламдан утди. Ичкаридан уқтин-уқтин ййғи овози эшитилар, аммо юракни уртовчи фарёда айланмас эди. Жанозага ййғилган маҳалладошлар эса, эшакарва ҳам расм булаётгани, ҳайвонга на бензин, на «запчас» керакмаслиги туғрисида сўхбатлашиб туришарди.

Маъруф ТОШПҲЛАТОВ

ХАЗИНА ЯШИРИЛГАН ОРОЛ

Сиру синоатта тўла бу дунё

XX аср: ҳодисалар силсиласи

Коста-Рикадан 480 километр жанубий-шарқда, Тинч океанида жойлашган муъжаз оролни ана шундай номлашади. Савдо-сотик алоқалари факат сув орқали амалга оширилган даврда денгиз қароқчилари булгани барчамизга маълум. Айтишларича, денгиз қароқчилари улжаларининг барини шу ерга — Кокос оролига яширганлар. Бу ҳақда эл орасида афсоналар ҳам мавжуд. Қароқчилар бирор кемани ёки тинч аҳолини талашгач, улжани узаро булиб олишган. Бу улжаларни бошқа қароқчилар, шериклари умариб кетмасликлар учун ҳар қайсиси узига тааллуқли хазинани Кокос оролига яширишган. Хазина кумилган жойга баъзи қароқчилар махсус белгилар қуйса, баъзилари уни картага шифрлаб қуйган. Шу тариқа Кокос оролига хазина, бой-

лик жамлиниб бораверган.

Испан тилида сузлашувчи маҳаллий халқ оролни «Исла дел Кокос», яъни кокосли орол дейишади. Айтишларича, кучли ҳўсон отилиши натижасида тизма ҳўсил булиб, шу тизмада Кокос ороли пайдо булган.

Қароқчилар тудасидан чиққан икки нафар хонин ҳаётининг кафолати ва катта мукофот эвазига атамани ва шерикларини сотади. Британ флотги жиноятчиларни қўлга олиш учун дарҳол жанговар кемаларини жўнатади. Шу тариқа атамани ва барча қароқчилар қўлга олиниб, қатл этилади. Бироқ қайсар қароқчилар хазина калитини сирдигича қолдиришади.

Хазиналар ороли ҳақида турли минг-минилар авж олиб, Кокос хазина изловчиларга тинчлик бермай қўяди. Уша пайтда тахминан 60

миллион доллар қийматида баҳоланган олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо бойликларни излаш учун капитан Август Гизлор ҳамма нарсадан воз кечади. Кипилик жамияти билан алоқани узиб, тарки дунё қилади. Кимсасиз оролдаги қийин шароитга мослашиб, хазина излашга киришади. Афруски, хазина излаш йулида сарфланган 50 минг доллар маблағ ва 19 йиллик умр зос кетди. Хазина калитини тополмаган Гизлор 1908 йилда Кокос оролини тарк этишга мажбур булади. Капитаннинг омадсизликка учрагани бошқа хазина изловчиларга сабоқ бўлолмади. Гизлордан кейин оролга 500 дан зиёд хазина изловчи туруш келди. Бағри қанчалар илма-тепик булиб кетса-да, орол сирини ҳеч кимга очмади.


Бизнинг даиримизга келиб, орол

да хазина изловчиларнинг бошқача тури пайдо була бошлади. Уларни оролдаги табиатнинг рангбаранг хазинаси узига маҳлиё этиб қўйди. Негакки, палмазорлар билан уралган 28 даре, 800 га яқин ҳашарот ва бутғимоёлар, қўшларнинг 97 тури, сув ости дунёси манзаралари, умуман-жаннатмакон орол нафақат табиат шайдоларини, балки ҳар бир кишини узига жалб қилмай қўймайди.

Мамлакат ҳукуматининг қарори билан 1991 йилдан эътиборан, Кокос ороли қуриқхонага айлантирилган.

Оролга яширилган хазина эса ҳаляим кўпчилик замондошларимизга тинчлик бермапти.

Алижон САФАРОВ



КУЧИ АЁЛГА ЕТДИ

Холливуднинг машҳур мушгумзурларидан бири Жан-Клод Ван Дамнинг номи яна матбуот саҳифаларидан тушмай қолди. «Яқиндагина ичкиликбозлик ва гнѐхвандликдан кутулиш учун (у алкоғол ва кокаин қўлига айланиб қолаётган эди) шифонага етиб даволангани, энди яна нима қаромат курсатибди?» — дерсиз. Бу сафар у хотинини уласи қилиб дўшпослади. Келинг, яхшиси бир бошдан бошлайлик.

Булдан рошпа-роса олти ой бурун Ван Дамм ва хотини Дарси бузилиб кетай деб турган оилаларини сақлаб келиш учун ярашишганди. Улар бу воқеани «свғи шаҳри»да нишонлаш учун Парижга келиб «Plaza Athenee» меҳмонхонасида тўхташди. Уларнинг соатлаб бассейнида гурунлашиб утиришларини, энг зур ресторани ва тунги клубларда овқатланиб, янги келин-куёвлардек аюмлашиб юришларини кўрганилар «қандай бахтли инсонлар-а», деб ҳавасла боқишгани аниқ.

Эшик оғасининг айтишича, жан-

Киборлар ҳаётидан

жал булган тунда ҳам эр-хотин меҳмонхонага хуш кайфиятда қайтишган. Тун ярмидан ошганда меҳмонхонанинг тунги хизматчилари аёл кишининг жон аччиғида қичқирганидин чўчиб тушади. Улар ҳали нима булагганини англаб етмасидан хонадан қовғи ёрилган, юз-қўзлари қонга беланган Дарси қочиб чиқди. У хизматчилардан полиция ва гнѐхвандларни тинчитувчи «SOS Drogue» гуруҳини чақиритиш талаб қилди. Уни шу яқин атрофдаги «Hotel Dieu» меҳмонхонасига олиб бориб, тиббий ердэм курсатишди. Шу ерда Дарси АҚШга қайтиб кетишини ва ажралиш учун судга ариза беришини эълон қилди. Оила бузилса, Клоднинг мол-мулкининг бир қисми Дарсига утади. Кинода муштининг кучи билан пул топадиган Ван Дамм ҳақда мушгумзурлиги оқибатида панд еб қоладиган қуринади.

Даврон БЕК тайёрлади

Францияда трубкада тамаки чекувчиларнинг мусобақаси бўлиб ўтди. Унинг шартига қўра, ким 3 грамм тамакини узоқ вақт чекса, уша голиб чиқарди. Швейцариялик Якоб Хоррен тамакини трубкасига яхшилаб жойлади-да, чекишга киришди. Бу «машғулот» учун у нақ 2 соати 52 минут вақт сарфлаб, Европа чемпиони булди.

Худди шу кун 3 грамм тамакини тез чекиб тугатиш буйича ҳам баҳс уюштирилди. 76 ёшли Элвира Вейл чемпион булди. У 3 грамм маҳоракан атиги 59 секунддаёқ «тинчатиб» қўя қолди.

Гренкел Айленд шаҳрида истикомат қилувчи Алиса Пратт балиқ ови деса узини томдан ташлайдиганлар хилдидан. Навбатдаги ов пайти у 1,5 метрли балиқ тутиб олди. Унига келиб сўйган эди, ичидан икки қаричдек бутун балиқ сиқди. Унисининг қорнида эса шипалоқдек бошқаси бор экан.

«Физикл рево Леттерс» илмий-оммабоп журнали «ҳашар» йули билан эзилган, яъни муаллифи 19 киши булган мақолани чоп этди. Муаллифларнинг исми-шарифи, ишлайдиган илмий даргоҳлари номиинг узи бир саҳифа жойини эгаллайди.

Машинкада тез ёзиш буйича Финляндия чемпионати утказилди. Одатла, машинкачилик аёлларга ҳос касблардан ҳисобланса-да, мусобақала Буко Еусеа исмли йигит 150 аёлни ортда қолдириб, голиб чиқди. У ярим соатда 16 мингта ҳарф босишга муваффақ булди.



«ТОШКЕНТ ЛОК-БУЁҚ ЗАВОДИ»
Марказий Осиёда шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхона. Бу соҳада 50 йиллик тажрибага эга. Буёқ идишидаги қоғозда цехнинг тартиб рақами, фамилия, ой ҳамда йил курсатилган будсагина ҳақиқий завод маҳсулоти ҳисобланади.

- СОТАДИ (нархи бир тоннаси учун, қўшимча қиймат солиғи билан бирга)**
- Саноат маҳсулотлари:
 - НЦ-219 локи, мебел учун-298.000 сум.
 - БТ-51 локи-41.300 сум.
 - «Оксол» олифи-150.000 сум.
 - ПФ-115 эмали, кук, туқ жигар, туқ яшил, пистоки, қизил, қора рангли - 160.000-220.000 сум.
 - ПФ-266 эмали, сарғиш жигарранг-212.400 сум.
 - ПФ-191 оқ эмали - 242.000 сум.
 - ПФ-223 оқ эмали - 224.000 сум.
 - ПФ-1147 эмали, туқ яшил;
 - Йулларда ҳўшия чизишда ишлатиладиган эмал- 177.000 сум.
 - Том учун буёқ - 153.400 сум.
 - КЧ-2141 эмали, оқ, очиқ кук, очиқ пистоки;
 - МА-22 буёғи, очиқ кук - 200.600 сум.
 - ВД-АК-229 сув-эмулясия буёғи, оқ -73.400 сум.
 - ГФ-0163 -118.000 сум.
 - КБ буёғи - 35.400 сум.
 - Халқ истеъмолчи моллари:
 - ПФ-223 оқ эмали, 4 кг ли идишда - 218.300 сум.
 - ВД-ВА-2245 буёғи, оқ, 5-7 кг ли идишда;
 - ПФ-266 сарғиш жигарранг эмал, пол учун, 3 кг ли идишда - 212.400 сум.
 - ПФ-191 оқ эмали, 3 кг ли идишда - 242.000 сум.
 - «Оксол» олифи - 150.000 сум.
 - Том учун буёқ - 160.000 сум.
 - Чекланмаган миқдорда сотиб олади:
 - Глицерин; -Метал цинк;
 - 0.8 КП ли пўлат тувука, 0,5 мм, 0,8 мм, 1 мм;
 - Пантэритрит; -Фтал ангедрид;
 - № 25 ли оқ тувука; - Пўлат чиқитлар (лом);
 - Пўлат тувука, қалини.
- ТЕЛ: 68-79-45 ТЕЛ: 68-73-32, 68-39-74, 35-34-51

Манзил: Тошкент. Солиқов кўчаси, 9.

| | | | |
|--|---|--|--|
| <p>Оила ва жамият</p> <p>Муассисларимиз: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси</p> <p>Шиоримиз: Оила - жамият фахри</p> | <p>БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ</p> <p>Телефонлар: Бош муҳаррир - 133-28-20 Котибият - 34-86-91 Эълонлар бўлими - 136-56-52</p> | <p>МАНЗИЛИМИЗ Тошкент- 700000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.</p> | <p>Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти</p> <p>Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176 ташкilotлар учун 177</p> <p>Рўйхатга олиш № 33 Буюртма ГФ- 0760 28943 нусхада чоп этилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табақ. Чоршанба кунлари чиқади. Баҳоси эркин нарҳда. Навбатчи Даврон БЕК</p> |
|--|---|--|--|